

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ТИЛ ТАЪЛИМИ ВА УМУМФИЛОЛОГИК МАНБАЛАР

Бердиев Ҳусан Холназарович

Иқтисодиёт ва педагогика университети
нодавлат таълим муассасаси доценти

Аннотация: Глобаллашув даврида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳозирги таълим олдидаги энг долзарб ва кечикириб бўлмайдиган масала ҳисобланади. Нафақат филологик йўналишда замонавий талабларга мос мутахассисларни етиштириш, балки ҳар томонлама қўникма ва малакаларга эга авлодни тарбиялашда тарихий-илмий, илмий-лексикографик, бадиий-илмий характердаги манбаларни чуқур ўзлаштириш билан бевосита алоқадордир.

Калит сўзлар: рақобатбардошлиқ, тарихий-илмий манбалар, илмий-лексикографик манбалар, бадиий-илмий манбалар.

Ўзбек тили халқнинг миллий руҳи ва ўзлигининг маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Бу тил ўз халқи билан бирга, не-не жафоларни бошидан ўтказмади. Не-не истилочилар томонидан бой маданий меросимиз бўлган ноёб қўллёмалар, адабиётлар йўқ қилинди. Миллат бошида балқсан истиқлол сабаб юртга ўзлигимиз билан бирга, она тилимиз ҳам қайтди. Ўзбек тилининг мақоми қомусимизда мустаҳкамлаб қўйилди. Бугун она тилимиз нафақат миллий маконда, балки жаҳон минбарларида баралла янграмоқда.

Талаба-ёшлар тарбиясида давлат тилини ўқитиш самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнда замонавий метод ва технологиялардан фойдаланишининг янги тамоийлларини таълимга татбиқ этиш қанчалик мухим бўлса, ўкув адабиётлари масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам, бу масалага давлат аҳамиятига молик иш сифатида қараб келинмоқда.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг мавқеини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қонун, қарор, фармон ва дастурлар жамиятимизда давлат тилида иш юритиш, ўзбек тилининг нуфузини янада оширишга, унинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланишимизга қаратилгандир. Чунончи, “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2016 йил 13 майдаги Фармоннинг қабул қилиниши [1], Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини

тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил қилиниши тарихий аҳамиятга эга. Шунингдек, Президентимизнинг нутқлари ва асарларида ҳам она тилининг ҳар томонлама равнақ топтириш, давлат тилининг нуфузини янада ошириш ишига даъват сифатида мавзуга оид муҳим фикрлар баён этилган [2; 3].

Ушбу давлат ҳужжатларининг натижаси сифатида барча соҳаларда ўзбек тилидан унумли фойдаланиш, ишлаш тизимида давлат тилида иш фаолиятини олиб бориш, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш мақсадида олий таълим муассасалари бакалавр таълим йўналишларида “Давлат тилида иш юритиш” фани ўқув фани сифатида ўқитилиши йўлга қўйилди. Бироқ биргина фаннинг қандайдир даражада ўқитилиши билан кўзланган мақсадга этиб бўлмайди. Бугунги давр талаблари – эртанги кун бунёдкорларининг ёзма ва оғзаки нуқини, дунёқарашини она тили ва адабиётга меҳр билан ҳамоҳанг этиш, уларда китобхонлик кўникмаларини том маънода таркиб топтириш давлат тилининг нуфузини ошириш билан боғлиқ бўлган фанларнинг таълим тизимида кенг ўқитилишини тақозо этади.

Хозир таълим сифатини ошириш давр талаби. Бу борада барча фанлардан ўқув адабиётларининг янги авлодини давлат тили нуфузига мос тарзда яратиш, ўзбек тилининг давлат тили сифатида қўлланилишини кенгайтириш, ривожлантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-кувватлаш иши қай аҳволда эканлигини тасаввур қилиш учун математика йўналиши талabalariiga она тили ўқитилмагани ҳолда филологик таълимда математиканинг ўқитилаётгани, бу мантиқизлик саводхонликдан жуда ҳам узоқ эканлигида кўриш мумкин.

Замон талаблари ва эҳтиёжлар асосида яратилган ёки яратилажак дарсликлар олдига муайян талаблар қўйилиши табиий ҳол. Шу маънода, дарсликлар материалларини ўрганиш масалалари ҳам долзарб ҳисобланади. Уларда ёшларни ватанпарварлик, қаҳрамонлик, мардлик, фидокорлик, дўстлик, садоқат, инсоф ва адолат каби руҳий-маънавий қадриятлар асосида тарбиялаш ғояси бош мақсад қилиб олинади, бироқ, биринчи навбатда, материал устида ишловчи – талабанинг оғзаки ва ёзма нутқи ривожига хизмат қилишини назарда тутиш муҳим масала.

Дарсликлардан ўрин олган материаллар давр талабидан келиб чиқиб тайёрлангани боис улар талabalarning нутқини ўстириш, фикрлаш қобилиятларини янада ривожлантириш миллий истиқбол ғояси билан чамбарчас боғланган миллий ифтихор, ватанпарварлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик, маънавиятлилик, меҳнатсеварлик, онглилик, инсонпарварлик каби инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган матн ва бошқа амалийи

ишлардан тўласинча фойдаланишни талаб қиласи. Бунда, шубҳасиз, қадриятларга алоқадор асарлар материалларининг таҳлили ўзига хос аҳамият касб этади. Ёш авлодининг ижтимоий фаоллигини шакллантириш, маънавий баркамоллигини такомил топтиришда маънавий қадриятларга оид материалларнинг дарсликларда берилиши алоҳида аҳамиятга эга. Шу жумладан, ота-боболаримиз турмуш тарзининг энг ёрқин намунаси сифатида касб турлари ва улар билан боғлиқ қадриятларни асарлар таҳлили давомида ўрганиб бориш таълим ва тарбия жараёнида керакли самаралар беради. Шу билан бир қаторда, тилимиз ҳақидаги билимларимизни мустаҳкамлайди. Масалан, “Девону луготит турк”даги [4] материалларни адабий парчалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар билан боғлиқ равиша ўрганиладиган бўлса, бадиий тафаккурнинг ўзига хос хусусиятлари, шаклланиши ва тараққиёти ҳақида янада муҳим тушунчаларга, миллий тил, миллий онг, миллий мафкура узвийлигига алоқадор тасаввурларга кенг йўл очилиши мумкин. Зоро, ҳар қандай бадиий асар ўша даврга хос бўлган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, бадиий эстетик тасаввур-тушунчалар мажмуи сифатида намоён бўлиши баробарида миллий ва умуминсоний қадриятларни англашга ҳам хизмат қиласи. Яъни миллатлар ва халқларнинг борилғи, нуфузи ва қадриятлари ҳақида бетимсол маълумотлар беради. Тарихан кимлигимизни англатишда тил материаллари таҳлил этилган асарларнинг ўрни бекиёс. Бинобарин, улар билан амалий тарзда дарсларда танишиш имконияти яратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797 Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил, 17 май.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. № 28 (6722).
4. Кошғарий М. Девону луготит турк. Уч томлик. – Т.: Фан, 1960 - 1963.